

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

**ҚАРОРИ**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**

ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил „ 27 “ март № ПҚ-3625 „ \_\_\_\_\_ “ \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ г.

**Товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишнинг алоҳида тартиби  
белгиланадиган хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга  
корхоналар рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналарнинг узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш, шунингдек, уларнинг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январда ПҚ-3487-сонли қарори билан тасдиқланган Товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарининг рўйхати қуйидаги мазмунда 13-18-бандлар билан тўлдирилсин:

- “13. “Ўзпахтасаноат” АЖ
- 14. “Ўзнефтмахсулот” АЖ
- 15. “Ўзбургунефтгаз” АЖ
- 16. “Ўзтрансгаз” АЖ
- 17. “Ўзнефтгазказибчиқариш” АЖ
- 18. “Ўзбекгеофизика” АЖ.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Содиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев